ACRU
ANTIMONOPOLY COMMITTEE
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси

Бозор концентрациясига оид битимларни тузишда ҳамда давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этишда монополияга қарши талаблар

my.gov.uz
Единый портал интерактивных государственных услуг

Davlat
xizmatlari
Agentligi







Иқтисодий концентрация

Товар ёки молия бозоридаги рақобат ҳолатига таъсир этувчи хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳининг устунлигига олиб келувчи битимлар ва (ёки) бошқа ҳаракатларни амалга ошириш.

"Рақобат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси



Иқтисодий концентрацияни назорат қилиш **мақсади**

Бозорда бундай битимлар ва хатти-ҳаракатлар натижасида пайдо бўладиган хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг устун мавқени суистеъмол қилиш ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда бундай суистеъмолликларни бартараф этиш.

Иқтисодий концентрацияни назорат қилиш вазифаси

Товар ёки молия бозорида тегишли хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устун мавқеи юзага келишининг ёки кучайишининг ва рақобат чекланишининг олдини олиш.

Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни

16-модда
Хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш ва қўшиб олишга доир монополияга қарши талаблар

17-модда
Акцияларни (улушларни) олишда монополияга қарши талаблар

18-модда
Олдиндан розилик олиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 февралдаги 86-сон қарори

Хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олишга доир битимларни кўриб чиқиш ҳамда бундай битимларни тузиш учун олдиндан розилик олишнинг
ПАСПОРТИ

Хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш ва қўшиб олишга рухсатнома олиш
ПАСПОРТИ

Қайси ҳолларда монополияга карши органнинг олдиндан розилиги талаб қилинади

(Ўзбекистон Республикасининг "Рақобат тўғрисида"ги Қонуни)

Хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш ва қўшиб олиш бўйича битимларга

- Агар тегишли битимда иштирок этаётган шахслар активларининг жами баланс қиймати ёки охирги календарь йилда товарларни реализация қилишдан олинган жами тушуми БҲМнинг юз минг баравари миқдоридан ортиқ бўлса ёхуд улардан бири товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъект бўлса.

Хўжалик юритувчи субъектнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олиш бўйича битимларга

- Шахс ёки шахслар гуруҳи кўрсатилган акцияларнинг (улушларнинг) эллик фоизидан ортиғини тасарруф этиш ҳуқуқини олса;

- битимда иштирок этаётган шахслар активларининг жами баланс қиймати ёки охирги календарь йилда товарларни реализация қилишдан олинган жами тушум БҲМнинг юз минг баравари миқдоридан ортиқ бўлса ёхуд битим иштирокчиларидан бири товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъект бўлса.

Салбий оқибатлари

- Компанияларнинг бирлашиши рақобат муҳитини ёмонлаштириши мумкин. Рақобатлашувчи компанияларни бирлаштириш битта компаниянинг бозорда устун мавқега эга бўлишига олиб келиши мумкин ва улар ўртасидаги рақобат йўқолиши туфайли бозордаги рақобатнинг умумий даражаси пасаяди.

- Бундан ташқари, бозорда фаолият юритаётган компаниялар сонининг қисқариши тил бириктиришлар эҳтимолини оширади шунингдек, жамоавий устун мавқени ўрнатишни осонлаштиради.

Олдиндан розилик олиш тартиби



Давлат хизматлари маркази ёки Ягона давлат хизматлари порталидан ариза юбориш



Керакли маълумотлар ва ҳужжатлар мавжудлигини текшириш



Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси (махсус комиссия) ***томонидан аризани кўриб чиқиш***



Олдиндан розилик бериш ёхуд рад этиш

Розиликсиз тузилган битимлар

Ж



фуқароларга - базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача;



мансабдор шахсларга эса - беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

ОҚИБАТ

Товар ёки молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устун мавқеи юзага келишига ёки кучайишига ва (ёки) рақобатнинг чекланишига олиб келадиган ҳаракатлар (тузилган битимлар) суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш ва қўшиб олишга ҳамда акцияларни (улушларни) олишга доир битимларга олдиндан розилик бериш юзасидан аризаларини кўриб чиқишнинг умумий ва ягона

ТИЗИМИ

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗИ



ИДОРАЛАРАРО ЭЛЕКТРОН БОҒЛАНИШ ТИЗИМИ



АРИЗАЧИ





Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси

АРИЗА

- ✓ битим иштирокчилари республиканинг турли ҳудудларида жойлашган бўлса;
- ✓ акциялар (улушлар) хорижий инвесторлар томонидан олинишида;
- ✓ битим иштирокчиларидан бирининг жами активи ёки товарларни сотишдан соф тушуми БҲМнинг 200 минг бараваридан ортиқ бўлса.

АРИЗА

- ✓ битим иштирокчилари республиканинг тегишли ҳудудида ўз фаолиятини амалга оширганда.

Қўмита махсус комиссияси



Ҳудудий бошқармалар

- Қорақалпоғистон Республикаси
- Андижон вилояти
- Бухоро вилояти
- Жиззах вилояти
- Қашқадарё вилояти
- Навоий вилояти
- Наманган вилояти
- Самарқанд вилояти
- Сурхондарё вилояти
- Сирдарё вилояти
- Тошкент вилояти
- Фарғона вилояти
- Хоразм вилояти
- Тошкент шаҳар

Ҳудудий бошқарма махсус комиссияси



Битимга олдиндан розилик бериш ёки рад этиш тўғрисида қарор





ЯГОНА ИНТЕРАКТИВ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ ПОРТАЛИ

Аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича махсус комиссия қарори тизимга жойлаштирилади

2022 йилда Қўмита ва унинг ҳудудий органлари томонидан иқтисодий концентрацияга олдиндан розилик бериш тўғрисида 125 та қарор чиқарилган, шундан:

- **28 таси хўжалик юиртувчи субъектларни қўшиб юбориш ва қўшиб олиш бўйича;**
- **97 таси хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олиш бўйича.**

Мисол учун

- **TBC BANK АТБ** ва **"VENDOO" МЧЖ ХК**
- **“DJUZUM SPV LTD” компанияси** (БАА) ва **“FINANCE TCI” МЧЖ ХК**

Эътиборингиз учун рахмат!

ACRU
ANTIMONOPOLY COMMITTEE
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

antimon.gov.uz

Contacts:

info@antimon.gov.uz

Tel.: 71 207 47 00

@antimonuz

AntimonUz